

ЎРИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАР ТАРКИБИ ВА БАДИИЙ-КОМПОЗИЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўраева Лайло Омоновна,

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

l.o.torayeva@buxdu.uz

Аннотация. Ўзбек деҳқонларининг меҳнат жараёнида ўрим қўшиқлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбек ўроқчи деҳқонларининг ижтимоий-маданий турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий ҳолати кечинмалари, орзу-интилишларини ўзига хос бадиий жозоба билан талқин этувчи ўрим қўшиқлари бадиий структурасини ўрим воситаси бўлган ўроқни мадҳ этиши, деҳқон меҳнатининг самарасини тараннум қилиши, меҳнат иштиёқини куйлаш мотивлари ташиқил қилади. Ушбу мақолада ўзбек меҳнат қўшиқларининг бир тури бўлган ўрим қўшиқлари ва уларнинг бадиий хусусиятлари, қофияланиши, бадиий структураси ҳамда уларда шеърини санъатларнинг бадиий ифодаси хусусидаги изланишлар баён этилади.

Калит сўзлар: деҳқончилик қўшиқлари, бугдой, арпа, жўхори, тариқ, шоли бадиий структура, композиция, ҳижо, қофия, нақорат, рефрен, туроқ, мотив, шеърини санъат.

Аннотация. Урожайные песни занимают особое место в трудовом процессе узбекских земледельцев. Художественная структура жатвенных песен, в которых со своей художественной привлекательностью интерпретируются социокультурный образ жизни, мировоззрение, душевное состояние, переживания, мечты и стремления узбекских земледельцев-жнецов, являются мотивами восхваления жатвенного орудия, жнеца, прославления плодов. крестьянского труда и воспевая страсть к труду. В данной статье описаны мотивами восхваления жатвенного орудия, жнеца, прославления плодов. крестьянского труда и воспевая страсть к труду. В данной статье описаны исследования о жатвенных песнях, являющихся разновидностью узбекских трудовых песен, их художественных особенностях, рифмовке, художественной структуре, художественной выразительности в них поэтического искусства.

Ключевые слова: урожайные песни, пшеница, ячмень, овёс, просо, рис, художественная структура, композиция, рефрен, припев, мотив, поэтическое искусство.

Abstract. Harvest songs occupy a special place in the labor process of Uzbek farmers. The artistic structure of the reaping songs, in which the socio-cultural way praising the reaping tool, the reaper, glorifying the fruits. peasant labor and singing of life, worldview, state of mind, experiences, dreams and aspirations of the Uzbek reaper farmers are interpreted with their artistic attractiveness, are the motives for the passion for work. This article describes the motives for praising the reaping tool, the reaper, and glorifying the fruits. peasant labor and singing the passion for work. This article describes studies on Orim songs, which are a variety of Uzbek labor songs, their artistic features, rhyming, artistic structure, artistic expression of poetic art in them.

Keywords: harvest songs, wheat, barley, oats, millet, rice, artistic structure, composition, refrain, refrain, motive, poetic art.

Кириш. Деҳқончиликда ҳосилни ўриб олиш жараёнида куйланадиган халқ меҳнат қўшиқлари **ўрим қўшиқлари** сифатида алоҳида туркумланади ва мустақил жанр ҳисобланади. Ўрим қўшиқлари ўтмишда ўрим-йиғим жараёнига то техника воситалари, комбайнлар аралашгунига қадар экилган донли экинларни ўриб-йиғиб олиш вақтида деҳқонлар тилидан оммавий ва анъанавий тарзда куйланиб келинган, лекин ҳозирда уларнинг ижроси сустлашган. Бевосита ўрим билан боғлиқ бўлган қўшиқлар бизгача жуда ҳам оз миқдорда етиб келган. Уларнинг айрим намуналарини М.Алавия, К.Очиловлар ёзиб олиб, оммага эълон қилишган.

Асосий қисм. Ўрим қўшиқлари ўзида ўрим жараёни билан боғлиқ ҳодиса-ҳолат, предметларни образлантириб келиши билан бошқа меҳнат қўшиқларидан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, ўримчининг асосий иш қуроли – ўроқ ва у орқали ўриладиган *бугдой, арпа, жўхори, тариқ, шоли* сингари донли экин турлари, уларнинг инсон учун ризқ-рўз сифатида ато этилгани, кадр-киммати, деҳқоннинг бу маҳсулотларни то ўримга етказгунча чекадиган меҳнат машаққатлари, рўзгор тебратиш йўлидаги қийинчиликлари, деҳқончиликка оид расм-русум ва урф-одатлар мазмуни, баракали

мўл-кўл ҳосил етиштириш ҳамда уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш орзу-истаги, одамзотнинг ер, тупроқ, сув, ҳаво, нур, дон ва нонга бўлган эътиқодий муносабати, уларга алоқадор ҳомий кучлар ҳақидаги қадимий диний-мифологик тасаввур-тушунчалар ўрим кўшиқларининг асосий мавзу мундарижасини, мотивлар таркибини ташкил қилади. Шунинг учун улар реал воқеликларнинг тасвири ва талқини, ҳаётий объект ҳамда субъектларнинг реал сифатланишига асосланиши билан диққатни тортади.

Ўроқ, ўроқчи, Ёзи, Зебо, ўриладиган дон турлари – буғдой, арпа, тарик, жўхори, шоли, беда сингарилар ўрим кўшиқларининг анъанавий образлари саналади. Улар воситасида ўроқчининг турли ҳис-кечинмалари бадиий-эстетик жиҳатдан талқин қилинади.

Буғдой ўрим кўшиқларининг асосий образларидан биридир. Чунки ўрим кўшиқлари аксаран буғдой ўрими жараёнида ижро қилинади. Бунга эса қадимги инсонларнинг буғойни жонли деб қараши, унда нон руҳи жойлашганига ишончи сабаб бўлган. Шунинг учун қадимдан буғдой магик қудратга эга деб тушунилган. Фольклоршунос Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, бу анимистик тасаввур натижасидир. Одамлар наздида буғдой ўрилса, у ўлади. Экилса, янгидан тирилади. Шу тарика буғдой ўлиб қайта тирилувчи табиатни боғловчи магик восита сифатида қадрланиб келинган. Қолаверса, буғдой – жаннат неъматиди. Шу боис у доимо эъзозлаб келинган. Айниқса, халқ орасида ерга буғдой сепиш энг хайрли амаллардан бири саналган. Буғдой экилган майдонларни оёқости қилиш, босиш гуноҳ ҳисобланган.

Маълумки, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”нинг “Вендедот” ва “Виспарад” қисмларида ҳам кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар экилган, сув чиқариб шудгор қилинган замин бахтиёр, аксинча, узоқ вақт экилмаган ва омов тегмаган замин бахтсиздир, дейилади. Экилмаган ер омовни орзу қилиши айтилиб, у балоғат палласига кирган, оила куриш ва фарзанд кўришни хоҳлаган сохибжамол кизга ўхшатилади.

“Авесто”да яна кимда-ким буғдой экса, у Аша (ҳақиқат)ни экиши, шу билан девларни мавҳ этиши айтилади. “Қачонки, буғдой гуркираб кўқарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки, буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки, буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадондан девлар узоқлашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё киздирилган темир девлар бўйинини чирмаб ташлайди”, – дейилади “Авесто”да.

Бундан буғдой экиш, ғалла донини етиштириш, умуман, деҳқончилик маданиятининг илдизлари чуқурлиги англашилади. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида аграр культларга ишонч алоҳида ўрин тутади. Буни ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда кўплаб архаик кўринишлар ва магик хатти-ҳаракатлар сақланиб қолганлиги ҳам тасдиқлайди. Эндиликда мавжуд деҳқончилик урф-одатларида ўлиб қайта тирилувчи табиат култи излари исломий қарашлар билан ўзаро синкретлашиб кетган.

Деҳқончилик билан боғлиқ анъана ва маросимлар тизимида буғдой ўришни бошлаш ёки тугаллаш жараёни махсус маросимлар шаклида ташкил қилинган. Жумладан, ўримни бошлашдан олдин “*Хайри худойи*”, ҳосилни йиғиб олишни яқунлаш арафасида эса “*Обло барака*” номли махсус маросимлар ўтказилган. Бундай маросимлар турли-туман удумларга бойлиги, ҳосилдорлик культларига, деҳқончилик пирларига дахлдор кўплаб қадимий эътиқодларни ўзида намоён этиши жиҳатидан алоҳидалик касб этади. Хусусан, ёзги диққинафас иссиқ кунларга тўғри келувчи ўрим мавсумининг қийинчиликлари кўп бўлиб, уларни сал бўлса-да енгиллатиш ва унутиш, кайфиятни кўтариш мақсадида ўрим маросими билан боғлиқ удумлар силсиласида ўрим кўшиқларини ижро этиш анъанаси ҳам шаклланган.

Ўрим кўшиқларида ҳосилдорлик ҳомийлари очик-ойдин, кўп тилга олинмаса-да, ҳосилни йиғиб-териш олишда яқиндан кўмакдош бўлган ўроққа куч-қувват манбаи сифатида қараш руҳи устуворлик қилади.

Ўроқ деҳқоннинг энг яқин ёрдамчиларидан бири сифатида чуқур эътиқод билан мадҳ қилинади. Ўримни ўроқсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги учун **ўроқ** ўрим кўшиқларининг энг етакчи образларидан бири ҳисобланади. Барча донли экинлар, беда ва хашак ўроқ билан ўрилган. Маҳаллий ўроқлар деярли бир хил, фақат катта-кичиклиги ва тигининг шакли билан фарқланган. Шунинг учун ўрим кўшиқларида у “*Ўрогим қайқи*”, “*Ўрогим ҳаққон*” сингари жумлалар билан алоҳида образлантирилганлигини кўриш мумкин. Ўрим кўшиқларининг жанрини белгилашда унда кўп қўлланадиган ўроқ образи ҳамда ўриладиган донли экинлар номи алоҳида эътиборга олинади.

Ўзбек ўроқчи деҳқонларининг ижтимоий-маданий турмуш тарзи, дунёқараши, руҳий ҳолату кечинмалари, орзу-интилишларини ўзига хос бадиий жозиба билан талқин этувчи ўрим кўшиқлари

бадий структурасини ўрим воситаси бўлган ўроқни мадҳ этиш, деҳқон меҳнатининг самарасини тараннум қилиш, меҳнат иштиёқини куйлаш мотивлари ташкил қилади.

Ўрим кўшиқлари, асосан, мустақил бандлардан иборат бўлиб, бир мавзу доирасида мантиқан бирлашиб кетади ва ўроқчиларнинг бадиҳа қувватига боғлиқ равишда бир-бирига улаб-улаб, ё якка холда, ё кўпчилик жўрлигида ижро қилинади.

Ўрим кўшиқлари кўпроқ ритмик-синтактик ва интонацион асосга қурилганлиги уларнинг бадиияти учун муҳим композицион белги ҳисобланади. Баъзи ўрим кўшиқларининг композицияси эса диалог шаклига қурилганлиги билан диққатни тортади. Бундай ўрим кўшиқлари сирасига арпа, буғдой, шолғом, мош тилидан айтилиб, ўзаро “тўлмадингми”, “тўймадингми” ёки “тошмадингми, қора дарё” нақароти орқали мантиқан бирлашиб турувчи кўшиқлар киради. Ўроқчилар ўртасида диалог шаклида айтилувчи бу туркум кўшиқлар, одатда, 8 ҳижоли бармоқ вазнида яратилганлиги кузатилади:

Буғдой айтар / олашомон, 4+4=8
Тўйларга кўп / ярашомон. 4+4=8
Ўқловларга / ярашоман, 4+4=8
Тўлмадингми, / қора дарё?.. 4+4=8

Ушбу кўшиқнинг қофияси *a-a-b-a* шаклида бўлиб, унинг тўртинчи мисраси накорот ёки рефрен вазифасини бажариб келмоқда. У арпа, шолғом, мош каби дала экинлари тилидан айтилган кўшиқларни мантиқан бир-бири билан боғлаб, уларни муайян туркум доирасида бирлаштириб келган.

Умуман айтганда, ўрим кўшиқларининг таркибидаги мисралар, образлар, бадий воситалар бирлашиб, муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган шеърый тартибда жойлашади. Уларнинг мувофиқ келишидан шеърый ритм, оҳанг ҳосил бўлади. Ўрим кўшиқлари содда шаклда, ўйноқи вазнда яратилиши боис тез ва осон хотирада қолади. Улар, асосан, 5-8 ҳижоли бармоқ вазнида яратилиб, *a-a-a-a*, *a-a-b-b*, *a-a-b-a* шаклида қофияланиши кузатилади. Ўроқ ўриш пайтидаги меҳнат ритмига мос бундай энгил оҳанг куйлашга қулайлик туғдирган. Ўрим кўшиқларининг вазни ва қофияси деҳқоннинг иш ритми табиатидан келиб чиққани англашилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўрим кўшиқларининг айрим бир мисраларидаги бўғинлар сони 8 ҳижодан иборат бўлса-да, бироқ туроқлар таркибидаги ҳижолар миқдори ҳар хилдир. Шундай ҳолатларда кўшиқ оҳангида ритмик тебраниш юз беради. Кўшиқнинг биринчи ва тўртинчи мисраси 4+4 шаклида туроқлангани учун бир хил, унинг иккинчи ва учинчи мисралари эса 3+5 шаклида туроқланган учун бир хил мусиқий оҳангдорлик касб этиши намоён бўлади.

Ўроқ – деҳқонларнинг асосий иш қуролидан бири бўлгани учун ўрим кўшиқларида ўроқ етакчи образ сифатида турли сифатлашу ўхшатишлар билан бадий тасвирлаб келтирилади:

Ўроғим олмос,
Ўримдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Ўрмасам бўлмас.

Ўрим кўшиқларида ўроқнинг “олмос” сифатлаши билан таърифланиши орқали унинг ўткир ва кескир бўлиши лозимлиги уқтирилади. “Чаққон” сифатлаши эса ўроқнинг энгил ва ихчам қўл меҳнати қуроли эканлигини таъкидлаш, “*ҳаққон*” сўзи эса ўроқнинг ўпқондай буғдой бошоқларини домига тортишини муболағали тасвирлаш учун хизмат қилади. Юқоридаги кўшиқнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари бир хилда “ў” товушининг такрорланишидан бошлангани аллитерация санъатини вужудга келтирган. Қофиялари иккилик, яъни маснавий қофияни ёдга солади. Ўрим кўшиқларида “ў” товуши билан бошланувчи ўроқ, ўроқчи, ўрим каби сўзлар фаол қўлланади ва тез-тез қулоққа чалиниб, шу туркум лирик айтимларнинг лингвопоэтик белгиси сифатида кўзга ташланиб туради.

Ўрим қўл меҳнатига асосланиши туфайли у билан боғлиқ кўшиқларда кўпинча деҳқон тилидан кучли ва бақувват қўлу билалар таъриф қилиниб, нозик ва нимжон қўллар ўрим жараёнида тез толиқиши сабабли уларга зидлантирилади. Чунки толиққан қўлнинг меҳнати самарали бўлмайди. Деҳқон ўроқ ушлаб, ўрим ўрар экан, унинг қўллари қабариши ва чарчаши табиий. Лекин ўримчининг қўли жуда бақувват ва чаққон бўлиши лозим. Чаққон қўл ўроқни яхши ва узоқ вақт ишлата олади. Шунинг учун ўрим кўшиқларида қўл тасвирига, унинг чаққонлиги, меҳнатда чиниққанлиги таъриф-тавсифига алоҳида ўрин ажратилганини кузатиш мумкин:

Ўроғим чаққон,
Сен менга ёққан.
Қўлларим чаққон,

LITERARY CRITICISM

Меҳнатда боққан.

Бу кўшиқда бир неча гаплар бир хил оҳангда талаффуз этилиб келинмоқда. Оҳангдаги бундай бир хиллик эса ритмик-синтактик параллелизм саналади. Ушбу ўрим кўшиғи 3+2 шаклда туроқланган бўлиб, 5 хижоли бармоқ вазнида яратилган. Унинг қофия тизими эса а-а-а-а шаклга, яъни равон мусиқий қофияга эга. Бундай туроқланиш ва қофияланиш учун муҳим белгилардан биридир.

Ўрим кўшиқлари нафақат образлар олами, балки ўзига хос бадиий санъатлари билан ҳам ажралиб туради. Ўрим кўшиқларида кенг қўлланадиган санъатлардан бири метонимиядир. Масалан, “Арпа айтар”, “Бугдой айтар” деб бошланувчи кўшиқларда арпа ва бугдой образлари камбағал деҳқон образини ўзида яширин ифода этиб келиши, унинг ҳаёти билан боғлиқлиги жиҳатидан метонимиядир.

Ўрим кўшиқларида кенг қўлланадиган бадиий санъатлардан яна бири жонлантиришдир. Масалан, “ўроғим чакқон, ўримдан колмас” дея ўроқ инсонлардек жонли ҳаракатда қилиб тасвирланиши кузатилади. Бундай жонлантиришлар эса тасодифан пайдо бўлмаган. Уларнинг келиб чиқишига ўроқчининг ўз иш қуролини илоҳийлаштириши, уни магик предмет сифатида қадрлаши замин яратган.

Ўрим кўшиқларида мурожаат санъати ҳам етакчи ўрин тутади:

Ғужмоқи бугдой
Донгинанг тўқ-ай.
Тўп бўл ўрайлик,
Хўпда кўрайлик.

Ушбу ўрим кўшиғида сифатлаш, жонлантириш, мурожаат каби бадиий санъатлар тизилиб келгани кузатилади. “Ғужмоқи бугдой” бирикмаси сифатлашни, “тўп бўл” мурожаати эса мурожаатни ва жонлантиришни намоён этади. Чунки бунда бугдой “тўп бўлиш” ҳаракатига даъват этилмоқда. Чунки қадимги одамлар бугдойни жонли деб тасаввур қилишган. Бу тасаввур-тушунчаларнинг излари бугдойга мурожаат қилиб қуйланувчи мана шундай ўрим кўшиқлари мисолида ёрқин кузатилади. Уларда бугдой жонли сифатида гавдалантирилади. Бугдойни жонли деб тасаввур қилган қадимги одамлар уни ўриш жараёнида ритуал маросимлар ўтказганлар. Улар бугдойни ўришни – бугдойни бошидан жудо қилиб, ўлимга маҳкум этиш шаклида тушунишган. Боши кесилган бугдой пўстлогидан тозаланиб ун қилинганда, кейинчалик нон қилинганда яна қайта тиради дея ўйлашган. Шунинг учун бугдой эҳтиётлик билан, тўкиб-сочмасдан ўриб олинган. Айниқса, “боши кесилаётган” бугдойни азобламаслик учун ўрим қуроли – ўроқнинг олмосдек кескир ва ўткир бўлишига жиддий эътибор берилган. Акс ҳолда бугдой азоб тортади дея тасаввур қилинган.

Ўрим кўшиқларида айрим ижтимоий мотивлар халқнинг бой-зодагонлардан норозилиги, уларнинг текинтомоқ ва очқўзлигидан шикоят муайян рамзий образлар воситасида ифода этилган. Бу айниқса, “Тўймадингми, Қора дарё” кўшиғида ёрқин сезилади.

Хуллас, ўрим кўшиқлари ўзига хос образлар таркиби, бадиий воситалари, тили, композицион қурилишига кўра муайян бадиий тизимни ҳосил қилади. Уларда ўзбек деҳқонининг ўрим жараёни билан боғлиқ лирик кайфияти, ўрим меҳнатига муносабати бадиий талқин этилганлиги кузатилади. Ўрим кўшиқлари ўзига хос бадиий-шеърый композицияси билан алоҳидалик касб этади. Улар шеърый тафаккур маҳсули сифатида муайян бадиий композицияга эга бўлиб қолган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Саримсоқов Б. Деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат кўшиқлари. Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1 – том. - Т.: Фан, 1998 й.
2. Сафаров О., Имомов К. Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат кўшиқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
3. Ураева Д. С., Назарова Г. П. Инглиз ва ўзбек адабиётида қушлар образи //международный журнал искусство слова. – 2020. – Т. 3. – №. 4.
4. Saidahmedovna U. D., Qizi R. G. B. Beliefs About the "Tree of Life" in Uzbek Folklore //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.
5. Saidahmedovna, UraevaDarmon, and RustamovaGavharBahronQizi. "Beliefs About the" Tree of Life" in Uzbek Folklore." MiddleEuropeanScientificBulletin 8 (2021).
6. Тураева Л.О. Artistic and compositional features of harvest songs//Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.

LITERARY CRITICISM

7. Safarova H. "Happiness is the flag language, from happiness i am also a tongue!"... on the example of the work of the poet samandar vohidov //Конференция. – 2020.
8. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. Analytical and synthesized folklorism in navoi's work //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – T. 27. – №. 2. – C. 1626-1633.
9. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – T. 9. – C. 47-49.
10. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – T. 4. – C. 170-174.
11. Norova N. Tradition and innovation in usmon kuchkor's poems //Scientific reports of Bukhara State University. – 2021. – T. 5. – №. 3. – C. 100-111.
12. Baxtiyorovna N. N. Usmon qochqor lirikasida muhabbat mavzusining talqini: doi: 10.53885/edinres. 2021.71. 75.119 Norova Nasiba Baxtiyorovna, BuxDU Ozbek tili va adabiyoti kafedراسi tayanch doktoranti (Ozbekiston) //Научно-практическая конференция. – 2022.
13. Садикова Д. Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste'dodli zullisonayn shoirasi //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – T. 8. – №. 8.
14. Садикова Д. Muslihabegim Miskin–XIX asr Buxoro adabiy muhitining iste'dodli zullisonayn shoirasi //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – T. 8. – №. 8.